Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 12 февраль, 1969 йил, чоршанба ★ № 36 (14.199). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАР МАРРАСИ

ХАЛҚ ИШОНЧИ

16 МАРТ — Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларига САЙЛОВЛАР КУНИ

Ўзбекистоннинг сайлов округларида маҳаллий Советлар депутатлигига номзодлар кўрсатила бошланди.

Сайлов олди йиғилишлари зўр сиёсий активлик вазиятида ўтмоқда. Бутун мамлакат меҳнаткашлари каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик кунларида хўжалик ва маданий қурилишда эришаётган жуда катта муваффақиятлар тўғрисида сайловчилар фахрланиб гапирмоқдалар. Коммунистик партия ишига, халқ манфаатларига чексиз содиқ эканликларини амалда исбот этган муносиб кишиларни сайлов олди йиғишларининг қатнашчилари депутатликка номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

◆

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Оҳангарондаги 9-шахта коллективининг Тошкент область Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилиши активлик билан ўтди. Йиғилиш қатнашчилари шахтанинг мустаҳкамловчиси Қаҳҳор Ҳушвақтовни депутатликка номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисидаги таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар. Сўзга чиққан нотиқлар ана шу партиясиз ишчи ўзининг ишлаб чиқариш новатори, актив жамоатчи эканлигини кўрсатганлигини таъкидладилар. У киритган кўпгина рационализаторлик таклифлари меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашди.

Оҳангарон кўмир разрези коллективининг йиғилишида ленинча меҳнат вахтасининг пешқадами экскаватор машинисти коммунист Алексей Константинович Волков Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этилди. А. К. Волков ҳозирги чақириқ область Советининг депутати бўлган вақтида сайловчиларнинг ишончини оқлаганлигини йиғилиш қатнашчилари мамнуният билан таъкидладилар.

Кўмир разрезининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу корхонанинг бошқа бир илғор ишчиси — кран машинисти Геннадий Васильевич Пряхнини ҳам Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоларининг йиғилишида колхоз аъзоси комсомол қиз Санобар Тошбоева Тошкент область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Бу қиз ўзининг ижодий меҳнати ва жамоат фаолияти учун ҳамқишлоқлари ўртасида катта обрў қозонган.

Қўқон локомотив депосининг ишчилари, мутахассислари ва хизматчилари энг яхши тепловоз машинисти Эдуард Генрихович Дугужиев область Совети депутатлигига бизнинг номзодимиз бўлсин, деб якдиллик билан қарор қилдилар. Э. Г. Дугужиев Фарғона темир йўлчиларининг беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошлаган мусобақаси ташаббускорларидан биридир.

Фарғона химиклари фуранли бирикмалар заводининг катта пиширувчиси Саримсоқ Қурбоновни область Совети депутатлигига номзод қилиб тавсия этдилар. Қува районидаги Максим Горький номли колхоз пахтакорлари серҳосил пахтакор бригада раҳбари Жўра Шамшиевни, «Ўсельхозтехника» Қува район бўлимининг механизаторлари эса ремонт устахонасининг слесари, чорвачилик фермаларини механизациялаш схемасини ишлаб чиққан Сергей Соломонович Нижнийни область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзолари сут согувчи Қизларжон Қодирқуловани якдиллик билан область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммаси унинг толмас меҳнаткаш эканлигини таърифлаб бердилар. Қ. Қодирқулова фермада биринчи бўлиб «арча» усулида ишлай бошлади. У қирқта сигирга қараб, уларнинг ҳар биридан кўп сут согиб олишга эришди. Коммунист Қодирқулованинг актив жамоатчи эканлигини ҳам ҳамқишлоқлари яхши билишади. У область Советининг депутати бўлган чоғида жонажон қишлоғида турмуш маданиятини яхшилаш учун кўп иш қилди.

Термиз пахта тозалаш заводининг ишчи ва хизматчилари жин машинасида ишловчи Лилия Тихоновна Федоровага катта ишонч билдирдилар. Сайлов олди йиғилишида илғор ишчи, коммунистик меҳнат зарбдори Л. Т. Федорова область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. (ЎзТАГ).

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

14-трестнинг Марғилон қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи илғор дурадгор Петр Александрович Захаровни Фарғона область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. У Фарғона области қурилишларида ўн беш йил ишлаб, ўнлаб малакали ишчилар тайёрлади.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

Икки ойлик план-муддатидан илгари

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

«Ташсельмаш» заводининг меҳнат аҳли дала меҳнаткашларининг ғоғирни енгил қилиш учун курашмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Машинасозлар беш йиллик тўртинчи йили планини ҳам муддатидан илгари бажариш учун ғайрат билан ишламоқдалар. Йил бошидан буён топшириқлар муваффақиятли бажарилмоқда. Январь ойининг ўзида «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли пахта териш машиналаридан 400 таси тайёрланди. Бу, план муваффақиятли бажарилди, деганн. Эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳамда уни реализация қилиш ойлик плани ҳам ортиғи билан адо этилди.

Республика пойтахтидаги кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари беш йиллик маррларини эгаллаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўтган ой планини ортиғи билан бажарган трактор йиғув, «Ташавтомаш» заводлари, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективлари ҳам июнь ойлик планини барвақтроқ адо этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

ЎН ОЛТИ МАМЛАКАТГА

Қўқондаги «Большевик» газ аппаратуралари заводи коллективи маҳсулот реализация қилиш бўйича бир ярим ойлик планни бажариб қўйди. Заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, буюмларнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштиришга қаратилган тадбирларни дадиллик билан амалга ошираётгир-лар. Бу ерда тайёрланган маҳсулот мамлакатимиздаги муда кўп корхоналарда иш бермоқда.

Шунингдек, Қўқон маркаси босилган газ аппаратуралари ўн олти хорижий мамлакатга ҳам экспорт қилинмоқда. Руминия Социалистик Республикасидан олинган буюртма муддатидан илгари бажарилди. Яқинда Руминияга юқори босимли вентилялардан дастлабки комплектлари жўнатилди. Куба, Болгарияга ҳам пўлат ва чўян арматура комплектлари барвақт тайёрлаб юборилди.

ЎСИШ, УЛҒАЙИШЛАР

Урганч тикувчилик фабрикасининг чеварлари доҳий В. И. Ленин юбилейи ҳамиша эзозлаб келмоқдалар. Улар ўз корхоналари Ленин номи билан аталишидан ҳамиша ғурурланиб юрадилар, шунга яраша ғайрат кўрсатиб ишлайдилар. Бу ерда янги техника ва илғор технологиянн жорий қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Январь ойи плани муваффақиятли бажарилди. Шундан кейинги кунларда тикувчилар янги поток линиянинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун муҳим тадбирларни кўрдилар. Натижада ип газлама материалларидан шим тикиш механизациялашган комплекс тўла қувват билан ишлай бошлади. Шу неча-кундузда ана шу линия лойиҳада кўрсатилган қувват даражасига эришди. Ип газлама материалларидан маҳсулот тайёрлаш эндиликда 20 процент кўпайди. Бу линия енгил саноат конструкторлик-технология бюросининг етакчи мутахассислари томонидан жорий қилинган.

● Ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Қарши районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари чорвадорлари сут тайёрлаш биринчи квартал планини ошириб бажардилар. Давлатга 400 центнер ўрнига 460 центнер серкаймоқ сут етказиб берилди. Хўжалик чорвадорлари ҳозир иккинчи квартал ҳисобига сут топширишни қизғин давом эттираётгирлар.

● Шаҳрисабз районн чорвадорлари Ленин юбилейига муносиб туҳфа тайёрладилар Беш йиллиннинг тўртинчи йили ярим йиллик гўшт тайёрлаш плани муддатидан олдин ошириб бажарилди. Давлатга пландаги 471 тонна ўрнига 483 тонна бўрдоқи гўшти топшкрилди.

● Тўрткўл районидаги Ильич номли колхоз чорвадорлари улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига мусобақалашиб, дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Гўшт тайёрлаш биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Давлатга пландаги 140 центнер ўрнига 158 центнердан ортиқ семиз гўшт сотилди.

Сўз — тажрибакорларга

МЕҲНАТ-РОҲАТ

Кўпинча мендан пахта ҳосилдорлигини қандай қилиб оширяпсизлар, бунинг бирор «сири» борми, деб сўрашади. Шунда мен: бунинг бирдан-бир «сири» меҳнат, сидқидилдан меҳнат қилинса, ҳосилдорлик ўз-ўзидан ошаверади, дейман.

Ростдан ҳам шундай. Ҳалол меҳнат қилган, агротехникага таянган деҳқоннинг омади келаверади. Мен бунга ўз хўжалигимиз мисолида ишонч ҳосил қилдим. Еримиз вилтнинг уясн. Шунга қарамасдан ҳар бир ишни маромида амалга ошириб, пахтадан мўл ҳосил етиштиряпмиз. Бултур 970 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил олдик.

Комилжон Жўраев бошлиқ бригада бултур ҳосилдорлик жиҳатидан колхозда биринчи ўринни эгаллади. Гектаридан пландаги 29,5 центнер ўрнига 37 центнердан пахта топширди. Ҳар бир киши кунига асосий иш ҳақидан ташқари 1 сўм 70 тийиндан кўшимча пул берилди. Дадахон Отаҳонов, Мамат Жўраев, Маткарим Ўлатов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 32-35 центнерга етди.

Ҳосилдорлик ошганлиги туфайли колхоз экономикаси ҳам мустаҳкамланиб боряпти. Бултур 1 миллион 440 минг сўм даромад олинди. Бу, мўлжалдагидан анча кўп. Олинган даромаднинг 735 минг сўми колхозчиларнинг меҳнатига тақсимланди. Хўжалигимизда бир киши-кунининг қиймати 3 сўм 97 тийинга тўғри келди.

Колхозимиз бадавлат хўжаликка айланиб боряпти. Деҳқонларнинг турмуш даражаси йил сайин кўтариляпти. Қурилиш ва ободончилик ишлари кўлами кенгайиб, қишлоғимиз, шаҳар тусини оляпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида капитал қурилишга 258 минг сўм сарфланди.

Бизда ҳар қарич ер ҳисобда. Тажрибадан маълумки, ер қанчалик эзозланса, агротехника тадбирлари изчил амалга оширилса, илғор усуллар дадил жорий этилса ер бойлигини деҳқондан аямайди, тобора сахийлашаверади. Шу туфайли биз тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун нимани зарур бўлса ҳаммасини қиляпмиз. Сув талаб бўлганда сув, ўғит талаб бўлганда ўғит берамиз.

Одатда ҳар йили мўл ҳосил учун курашни кузлаб бошлаймиз. Ер ҳосилдан бўшагач, дарҳол ғўзапояни йиғиб олиб, чуқур шудгор қилиб қўямиз. Қишда ер дам олади. Деҳқонларимиз эса тиним билишмайди. Биз минерал ўғитдан самарали фойдаланиш билан бирга, маҳаллий ўғитга ҳам зўр берамиз.

Ҳозир қишки тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилтнинг олдини олиш учун пахта майдонларига, бегона тупроқ, ариқзовур лойқаси, эски девор тупроғи солинмоқда. Ҳар гектар ер ҳисобига камида 6,5-7 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш учун қизғин кураш боряпти.

Механизаторларимиз техника ремонти билан банд. Деҳқонларимиз далага гўнг чиқариш билан бирга, ички сув йўлларини тартибга солишяпти. Янги ариқлар чиқариш, нобопларига бетондан «тўн» кийдириш режасини тузишяпти.

Колхоз правленеси ва партия комитети КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари асосида ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини юксалтириш, деҳқончилик маданиятини ошириш, ердан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш, комплекс механизацияни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш тадбирларини белгилаб чиқдилар.

Деҳқонларимиз В. И. Ленин юбилейи шарафига юксак мажбурият олдилар. Бу йил давлатга 3430 тонна пахта топширишга қарор қилинди. Бу, 1968 йилдагидан 391 тонна кўп. Умуман беш йилликда давлатга пландан ташқари 2200 тонна «ок олтин» сотамиз.

Бундан ташқари, бу йил 257 тонна дон, 36 тонна сабзавот, 75 тонна полиз маҳсулотлари, 24 тонна узум, 42 тонна мева, 65 тонна гўшт, 154 тонна сут ва кўплаб бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни дилимизга тугиб қўйдик.

Нимага ишониб шундай юксак мажбурият олдик? Бу мажбуриятни олишдан аввал ҳисобкитоб қилиб чиқдик. Натижада фойдаланилмаган резервлар борлиги маълум бўлди. 1968 йилда 7 та бригада колхознинг ўртача даражасидан паст ҳосил олди. Улар пландагидан 217 тонна кам пахта етиштирди. А. Исаев, А. Лоҳатов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик бир нуқтада туриб қолди. Комилжон Жўраев бошлиқ 13- бригада билан 6- бригаданинг имкониятлари, ер шароити бир хил. Ҳосилдорлик эса ҳар хил. 6- бригада 13- бригадага нисбатан гектаридан 7- центнер кам ҳосил оляпти.

Бу йил ана шу қолоқ бригадаларни юқори ҳосилли бригадаларга тенглаштиришни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик. Шундай қилсак колхозимизда ялпи ҳосил мўлжалдагидан ҳам ортиб кетиши мумкин. Деҳқонларимизнинг бугунги ҳаракати ана шунга яраша бўляпти.

О. ҲАЙДАРОВ,
Москва районидаги Киров номли колхоз ранси.

Устюрт ясси тоғлиги орқали Қозоғистон чўлларидан Кўнгирот — Макат темир йўл магистрали қурилмоқда. Суратда: қурилишда ғайрат кўрсатиб ишлаётган машинист Иван Матананов.

А. Горюкрин фотосн. (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ҚУДРАТИ

Мамлакат бинокорларининг анжумани

Жуда катта қурилиш майдонига айланган Ўзбекистон пойтахтида бинокорларнинг Бутуниттифоқ учрашуви бўлиб ўтди. СССР Қурилиш министрлиги қурилиш ташкилотлари ва корхоналари активининг 11 февралда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида Россия Федерациясидаги йигирма бешта ўлка, область ва автоном республиканинг, Ўзбекистон, Грузия, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Эстониянинг қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишчилари, инженерлари, хизматчилари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Тошкент меҳмонлари бу ерда совет халқлари дўстлигининг ажойиб меваларини — барча иттифоқдош республикалар бинокорларининг меҳнати билан барпо этилган янги кварталларни кўрдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан бинокорлар Бутуниттифоқ анжумани қатнашчиларини табриклаб сўзлаган нутқида зилзила оқибатларини тугатишда, тошкентни қуриш ва реконструкция қилишда берилган қардошлик ёрдами учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Йиғилишда қурилиш-монтаж ташкилотлари ва корхоналарининг 1968 йилги иш якунлари, 1969 йилги планнинг ва В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги шарафига коллективлар олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга доир вазифалар муҳокама қилинди.

Докладчи — СССР қурилиш министри Г. А. Караваев ва музокаларда қатнашган нотиқлар: Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. Иброҳимов, «Главзапстрой» бошлиғи К. А. Глуховской, Литва ССР қурилиш министри Р. М. Сакалаускас, «Главприволжскстрой» 3-трестининг бригадири, РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор А. С. Алтобаева, «Главульяновскстрой» бошлиғи В. Ф. Селиверстов, «Кохтлаярвестрой» трестининг бошқарувчиси Я. Н. Яҳчес, СССР енгил саноат министрининг ўринбосари Е. Т. Алексеев, Қирғизистон ССР қурилиш министри В. И. Шевнин, Туркманистон ССР қурилиш министри В. Ф. Жуленев, Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси А. И. Ушаков, РСФСР Госстройи раисининг ўринбосари Д. И. Суровов, «Ярхимпромстрой» трестининг бригадири В. Н. Голов, микробиология саноати бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Е. Любомирский, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ўринбосари Л. Д. Солоденников, Тожикистон ССР қурилиш министри Б. И. Владимировлар министрлик ва унга қарашли ташкилотларнинг беш йиллик учинчи йилидаги фаолиятини анализ қилдилар, қурилиш ишини яхшилашнинг бир қанча асосий проблемаларига тўхталиб ўтдилар.

1968 йилда министрлик коллективлари шундан олдинги йилга нисбатан 5,4 процент кўп иш бажардилар, 455 та йирик ишлаб чиқариш қувватларини — нефтни дастлабки қайта ишловчи минерал ўғит, цемент, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга туширдилар, 6,3 миллион квадрат метр саҳни уй-жой биноларини, 139 минг ўринли мактабларни, 51 минг ўринли 260 та болалар муассасаларини, 62 та касалхона ва поликлиникани қуриб битказдилар. Бинокорларнинг меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ошди. 143 та корхона планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилди.

Шу билан бирга, қурилишдаги каттагина резервлар ҳали ишга солинмаганлиги ёки улардан тўла-тўкис фойдаланилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

1969 йилда ишларнинг ҳажми 16 процент ортади. Химия, автомобиль саноатида ва саноатнинг бошқа тармоқлари объектларида бажариладиган ишлар ҳажми айниқса кўпайтирилади, бу тармоқларда 800 та йирик корхона ишга туширилиши керак. 7 миллион квадрат метр саҳнли уй-жой биноларн, 150 минг ўринли мактаблар қурилиши белгиланган. Меҳнат унумдорлиги 7,2 процент оширилиши лозим. Қурилишларда янги вазифаларни бажармоқ учун ҳамма имкониятлар мавжуд эканлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Қурувчиларнинг иш ҳақи оширилди, меҳнат шароитлари яхшиланмоқда, қурилишларнинг ишлаб чиқариш ва техника базаси кенгайтирилмоқда. Бинокорлар ана шу ғамхўрлик учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматидан ғоят миннатдордирлар. Йиғма материаллардан иморат қуришни кўпайтириш, йирик панелли уйсозликни ривожлантириш, тармоқли графикларни қўлланиш ва меҳнатни илмий ташкил этиш энг муҳим вазифалардандир. Йиғилиш қатнашчилари социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришган илғор коллективлар фаолиятига, энг яхши бригадаларнинг ва ўз ишининг устаси бўлган айрим ишчиларнинг тажрибасига алоҳида қизиқиб қарадилар.

Йиғилиш иштирокчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни маъқулладилар. Минерал ўғитлар, машиналар, бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни муддатидан олдин ишга туширишга қарор қилинди. Уй-жой биноларини қуриб битказиш планини 27 декабргача бажариш белгиланди.

В. И. Ленин туғилиб ўсган Ульяновск шаҳрида қурилаётган ёдгорлик маркази 1969 йил декабрида битказилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, Е. С. Насриддинова, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, КПСС Марказий Комитети қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари А. Д. Дмитриев, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари В. Я. Исаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Зиёдуллаев ва А. Р. Хўжаев, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Е. Новичков, Эстония ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Г. Венделин қатнашдилар.

Йиғилиш бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Мажлислар залининг фойесида СССР Қурилиш министрлиги коллективларининг муваффақиятларини кўрсатувчи выставка очилди. (ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВИЗИТ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, дўстлик визити билан Москвада меҳмон бўлиб турган Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар 10 февралда ўз юртига жўнаб кетди.

Киев вокзалида Я. Кадарни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русаков кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ВХРнинг СССРдаги элчиси Пожеф Сипка ҳам ҳозир бўлди. (ТАСС).

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан

Жамият ҳар бир аъзосининг умумий иш учун ўз жавобгарлигини, социалистик Ватан олдидаги гражданлик бурчини тўғри тушуниши социализмни мустаҳкамлаш учун, халқ бахт-саодати учун муҳим аҳамиятга эгадир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси жамият олдида ўзини жавобгар деб билмаса, эркинлик ҳам бўлиши мумкин эмас. Ленин жамиятда яшаган ҳолда ўзини жамиятдан ҳоли тутиш мумкин эмас, деб таъкидлаган эди.

(КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Илъич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиғига тайёрғарлик тўғрисида»ги қарориданн).

В. И. Ленин «Правда» газетаси редакциясида ишчи мухбирлар билан суҳбатлашмоқда. (1917 йил).
Рассом РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Т. ВАСИЛЬЕВ.

Қардошларча ҳамкорлик

ВСИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ ЯНОШ КАДАРНИНГ СССРДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Янош Кадар шу йил 6 февралдан 10 февралгача дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди.

Ўртоқ Я. Кадар Москвада бўлган вақтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. С. Полянский билан учрашди ва суҳбатлашди.

Самимий дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбатлар давомида ҳар иккала томон ўз мамлакатларида коммунизм ва социализм қурилишининг борыши тўғрисида бир-бирларига ахборот беришди ва Совет — Венгер муносабатларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди. Шу билан бирга улар ҳар иккала мамлакат ва партиялар ўртасидаги ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлик муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлигидан қаноат ҳосил қилганликларини, бу ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қарор берганликларини айтишди.

Ҳар иккала қардош партиянинг вакиллари халқаро вазият ва жаҳон коммунистик ҳамда ишчи ҳаракатининг актуал проблемалари юзасидан фикрлашиб олишдилар ва муҳокама этилган барча масалаларда қарашларнинг тамомила бир хил экانлигини якдиллик билан қайд қилдилар. КПСС ва Венгрия Социалистик Ишчи партияси тинчлик, демократия ва социализм манфаатлари йўлида социалистик мамлакатларнинг бирлигини мустаҳкамлашни, коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг интернационал ҳамкорлигини мустаҳкамлашни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси шу йил 10 февралда ўртоқ Янош Кадар шарафига зиёфат берди.

АВИАТОРЛАР ПЕШҚАДАМ

Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси коллективи ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Пассажир ва юк ташиш топшириқлари ортиги билан адо этилди. Планга қўшимча 880 минг сўм фойда олинди. Аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида республиканинг бир қатор областларида янги авиалиниялар очилди. «ИЛ-18» кўп ўринли турбовинтли самолётлар Самарқанд, Андижон, Фарғона, Хоразм областларини Қрим ҳамда Кавказ курортлари, шунингдек, Ватанимиз пойтахти Москва билан боғламоқда.

Граждан авиацияси министрлиги ва авиация ходимлари касаба союзи Марказий Комитети IV квартал якунларини қараб чиқиб, Ўзбекистон авиация бошқармаси коллективи Бутуниттифоқ мусобақасида голиблар қаторига қўшилиб олганлигини таъкидлади. Республикамиз авиаторлари коллективи ўтган йил IV иккиталик натижаларига кўра, Граждан авиацияси министрлиги ва авиация ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг учинчи пул мукофотини олишга муваффақ бўлди. Мукофот авиаторларни янги зафарларга руҳлантиримоқда. Улар беш йиллигининг тўртинчи йили дастлабки кунларидаоқ пассажирлар ва юк ташишда юқори кўрсатгичларга эришаётирлар.

МЕХАНИЗАТОРЛАР КЕНГАШИ

Бухорода «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ходимларининг республика семинар-кенгаши очилди. Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари асосида қишлоқ хўжалигини механизациялаш вазифаларини муҳокама қиладилар, шунингдек «Ўзсельхозтехника» Бухоро бирлашмасининг иш тажрибаси билан, техника хизмати кўрсатиш станцияси ва ихтисослаштирилган устахоналар фаолияти билан танишадилар.

СҮНГГИ ПОЧТАДАН

«ЛЕНИН, ЗАМОН ВА МЕН»

Самарқанд область, Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхози комсомол ташкилоти ўз сафига салкам 650 ўтлоқак йигит ва қизни уюштирган. Улар ўз йиғилишларининг бирида «Ленин, замон ва мен» деган масалани қандай тушунишларини муҳокама қилишди. Комсомол йиғилишига жиддий тайёрғарлик кўрилди. Комсомол ва ёшлар В. И. Ленин ҳаёти ва унинг жўшқин революцион фаолиятига доир кўплан кўп адабиётлар билан танишдилар.

Йиғилишда сўзга чиқишни истаган навқирон қалблар кўп эди. «Ёш ленинчи» газетаси ана шулардан ўн бир қишининг қалб ғидоси жўш уриб турган ҳарорати сўзларини қўш саҳифада эълон қилди. Йиғилишда сўзга чиққан ҳар бир йигит ва қиз доҳий ғоялари қандай амалга ошаётгани, доҳийнинг ажойиб фазилатлари ва колхоз комсомолларининг ленинчасига яшаб, ишлаб ва ўқиб қандай натижаларга эришаётганликлари ҳақида фикр юритилган.

Коммунизм миллионларнинг кундалик ишига айланиб қолганлиги қўш саҳифадаги ҳар бир материалда шундай сезилиб турибди.

ТОШКЕНТ экскаватор ремонти заводининг маҳсулотларига Ўзбекистондаги қурилишларда талаб жуда катта. Бу йил республика қурилишларига катта хартумли 60 экскаватор жўнатилади. Суратда: 1- цехнинг назоратчи мастери В. Г. Воронов ва участка мастери К. Я. Фрицлев янги экскаваторларни жўнатишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

М. Глауберзон фотоси.

Евгений КРИГЕР

БИР КУН

Кун ва ҳатто соатдан мудом
Ясар эди у поёнсиз аём.
Вера ИНБЕР.

Владимир Ильичнинг бир куни...

Бу бир кун ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлиб, Владимир Ильич ўз иш соатларида бажарган ишларнинг ҳаммасини ҳужжатларга ва хотираларга қараб ёзишга тайёрланганингда, қарабсанки, бу вазифани уддалаш ончалик осон эмас экан.

Уддалаш осон эмаслигининг сабаби лоақал шуки, Ленин ишларининг ҳад-ҳудуди йўқ эди; унинг бирон кунда қилган ҳаракатлари, ишлари, қарорлари, маслаҳатлари, ташаббусларини, эҳтиёт Владимир Ильичнинг иш кунидаги амалий фактларни билиб олиб, қоғозга тушираман десанг, унинг кўнглида, миясида ҳар соат, ҳар минут содир бўлиб турган ишлар назардан четда қолиб кетади. У мамлакатнинг, Европанинг, жаҳоннинг бутун ҳаётидаги кундалик ташвишлари, революциянинг ўша вақтдаги алғов-далғов кунини, узоқ ва яқинини, унинг келажакда ранг-баранг, умуминсоний миқёсдаги кўринишини миясига қамраб оларди.

Хўш, уйнг қайси кунини олиб ҳикоя қилмоқ керак? Ахир, Ленининг онгли ҳаёти бошланган чоқдан то оғир касал унинг юрагини уришдан тўхтатган лаҳзагача ҳар бир куни бениҳоя хилма-хил, революциянинг ўзи каби учқун сочиб турадиган, ҳароратли, оловли кун эди.

Хўш, Владимир Ильичнинг ишлари мазмуни ҳақида ҳикоя қилмоқ учун гарчи тўла бўлмаса-да (билмадим, Ленининг иш кунини тула-тукис курсатгачам дейишга ким журъат эта оларкин), лоақал тахминий равишда қайси кунига тўхталмоқ керак?

Балки Владимир Ильич ҳамма ишчилар, хизматчилар, совет ходимлари сингари оғир ишни тарк этиб, қисқа фурсатда бўлса-да, дам оладиган куни-ки, яъни дам олиш кунини эслаб ўтиш керак бўлар?

Ҳеч бўлмаса 1918 йил кузининг 7 ноябригача қайтайлик.

Узингиз ўйлаб кўринг: Октябрь революциясига бир йил тўлган кун, ёш Совет давлатининг — жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар социалистик давлатининг биринчи юбилей йили!

Демак, 1918 йил 7 ноябрь.

Байрам. Бизнинг катта байрамимиз.

Бу дам олиш куни Владимир Ильич Кремлдаги кабинетига кирган-кирмаганлигини мен аниқлай олмадим. Ҳар ҳолда кирган бўлса керак. Сабаби, унинг иш кабинети билан истиқомат жойи бир бинода эди. Истиқомат жойи яшашга, ўнчалик мосланмаган собиқ кавалеристлар ётоғида камтаргина қилиб тузатилган хонада эди. Шуни ҳам айтиб ўтайликки, бир кун олдин, 6 ноябрда, Ленин жуда кўп ишлари бўлгани қарамай, Октябрь революциясининг биринчи йиллиги ҳақида уч марта нутқ сўзлаган эди: аввал ишчи, деҳқон, казак ва қизил аскар депутатлари Советларининг VI Умумроссия ваҳқулодда съезди мажлисида, кейин Умумроссия Марказий ва Москва касаба союзлари советлари тантанали мажлисида, ундан сўнг Москва «Пролеткульт» кечасида нутқ сўзлаган эди. Шуни ҳам унутмайлик, худди ўша кунларда Владимир Ильич ўзининг «Пролетар революцияси ва ренегат Каутский» деган ғоят муҳим асари устида ишлаётган эди. Бу асар айниқса шунинг учун муҳим эдики, Ленин Ғарбий Европа мамлакатларида етилиб келаётган революциялар учун энг катта хавф деб у мамлакатлардаги реформистларни ҳисоблаган, чунки реформистлар ишчилар ҳаракатига таъсирларини кучайтириб, марксизмни бузаётган, пролетар революциясининг ва пролетариат диктатурасининг зарурлигини рад қилаётган эдилар.

Демак, байрам, дам олиш куни. Ниҳоят, бугун Владимир Ильич бир озгина дам оладиган бўлди, шекилли. Балки, у бугун шаҳардан ташқари чиқиб, ўзи жуда яхши кўрадиган, биладиган, тушунадиган табиат оғушида яйрар?.. Ёки кун бўйи оила аъзолари даврасида сокин ўтириб севимли китобларини варақлар, ёнки хаёл суриб жимгина Бетховен сонатини, Рахманинов, Скрябининг прелюдаларини тингларми?..

Йўқ.

Совет ҳокимиятининг биринчи юбилей куни Ленин одамлардан, халқдан, москва ишчиларидан, қизил аскарлардан, меҳнаткаш интеллигенция вакилларидан йиғилган туролмас эди; ахир, бу вакилларнинг кўпи Октябрнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз билимларини, талантларини, қалб ҳароратларини социалистик революциянинг энг адолатли ишига дарҳол ва тамомила бағишлаган эдилар.

Эсер-террорист аёл Каплаининг 30 августда отган ўқининг қаттиқ жароҳатидан Владимир Ильич ҳали яхши тузалиб-соғайиб кетган бўлмаса-да, ўзининг бу аҳоҳида «дам олиш куни»ни ўз кунлигига ёққанича ўтказди. Бу куни у халқ орасида, пролетар революцияси байроғининг шодиёнасида ўтказди.

У ҳатто Ғарбда революция бўрони олдидан тобора дахшат билан қуюқлашаётган қора булутларни вақтинча унутганга ўхшарди (1918 йил 5 ноябрда Германия ҳукумати Берлиндаги совет ваколатхонасини Германиядаги революцион ҳаракатга ёрдам бериш да айблаб РСФСРнинг дипломатия ва консуллиқ вакиллари дарҳол Берлиндан чиқиб кетишини талаб қилган эди). Ленин халқ нима билан тирик бўлса, нима билан хурсанд бўлса, бутун вужуди билан фақат шуни ўйларди ва шу билан яшарди. Москва, шунингдек Болтиқ бўйларидан то Шарқдаги чегараларгача ҳокимият тамомила меҳнаткашлар қўлида бўлган бутун мамлакат эса, революция байрами билан яшарди, қаттиқчилик билан, очлик билан бўлса-да, ҳар ҳолда гўзал байрам билан яшарди.

Бир фотография, тўғриси, киноқадр эсимда: халқимизнинг революцион байрамларидан бири куни да Владимир Ильич пальтосининг ёқасига бант шаклида букланган қизил лентача тақиб олган эди... Билмадим, бу ўша 1918 йил 7 ноябрь куни, яъни Ленин Маркс ва Энгельса қўйилган ёдгорлик ҳайкалини очган кунмиди... Аммо биз ҳаммамиз яхши биламизки, Ленин революцион халқ байрами кунларида ҳамиша жон-дили билан қувнарди, баъзан кайфи жуда чоғ, ҳатто тантанали вазиятда бўларди, бундай пайтда байрамнинг камтаргина рамзи бўлмиш ана шундай қизил лентачани ҳам кўкрагига тақиб оларди.

«Известия» газетасининг 1966 йил декабрда чиққан сонларидан бирида Владимир Ильичнинг энг нодир бир сурати биринчи марта матбуотда эълон қилинган эди. Бу расмга Ленин ён томонидан тушган эди. Унинг эгнида қоракўл ёқали пальто ва бошида қишки шапка бор эди. Бу суратда Ленининг чеҳраси айниқса равшан, тетик акс этган эди.

Мен 1918 йил кузининг 7 ноябрь кунини эслаганимда, Владимир Ильични худди шу ажойиб суратдагидек тасаввур этаман. Зотан, бунинг учун ишончли гувоҳлик ҳам бор. Атоқли рассом, ҳайкалтарош Сергей Коненков Ленин билан худди биз айтган кунда учрашганини ҳикоя қилиб: «Владимир Ильичнинг эгнида қора қоракўл ёқали пальто ва қора қулоқчин шапка бор эди»,—деб хотирлайди.

Хўш, Владимир Ильич ўша кунни қандай бошлаган эди?

Ноябрь байрами куни эрта билан Владимир Ильич Советларнинг VI съезди делегатлари сафи олдида Революция майдонига, яъни Карл Маркс билан Фридрих Энгельса ёдгорлик ҳайкалини очиш маросими бўладиган жойга борди.

Унда одам гавжум эди. Сабабки, одамларга, москваликларга Ленининг истаги тушунарли эди: Ленин РСФСРнинг биринчи юбилейини икки улуғ зотнинг олижаноб хотираси билан нишонлашни истарди; Володя Ульянов ўспиринлик чоғида ана шу улуғ зотлардан таълим олган эди, сўнгра Владимир Ильич ҳамма хилдаги ревизионистлар ва реформистларга қарши қаттиқ кураш олиб бориб, уларнинг таълимотини ҳимоя қилган эди, уларнинг Ленин томонидан ривожлантирилган идеяларни ленинчи партиянинг бутун қаҳрамонона фаолиятига асос бўлган эди!..

Ўша улуғ кунни Владимир Ильичнинг кайфиятини яхши тушунган кишиларга мурожаат қилиб, Ленин Революция майдонида сўзлаган нутқида бундай деган эди:

— Маркс билан Энгельснинг улуғ оламшумул тарихий хизмати шундан иборатки, улар бутун дунё пролетарларига уларнинг ролини, уларнинг вазифасини, уларнинг юмушларини: капиталга қарши революцион кураш йўлида биринчи бўлиб бош кўтариб чиқишларини, бу курашда барча меҳнаткашларни ва эксплуатация қилинувчиларни ўз атрофларига бирлаштиришларини кўрсатиб бердилар.

Биз кечириб турган замон—бахт-саодат замони, буюк социалистларнинг бу башорати амалга оша бошлаган замондир. Бир қанча мамлакатларда пролетариатнинг халқаро революцияси тонги отаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Халқлар ўртасидаги империалистик урушнинг мисли кўрилмаган даҳшатлари ҳамма жойда эзилган оммаларнинг қаҳрамонларча кўтарилишига сабаб бўлмоқда, озодлик учун курашда уларнинг кучларини ўн марталаб оширмоқда.

Ленин шундай деди. Унинг нутқи қисқа, ҳазжонли эди. Нутқини у қуйидаги сўзлар билан тамомлади:

— Илғорроқ мамлакатларнинг ишчилари ҳам биз билан бир қаторда кўтарилмоқда. Биз ҳам, улар ҳам янада оғирроқ жанглар арафасида турибмиз. Биргалашиб курашишимиз натижасида капитал зулми битирилади, социализм батамом қўлга киритилади!

Бугун биз, халқимиз социализм душманлари билан олишувларда кечирган ҳақиқатан оғир, мисли кўрилмаган даражада оғир жанглари эслаймиз ва атрофимизга қараб, қудратли, навқирон режаларга ва орзуларга тўла, жўшқин, келажакка интилган ва тарихнинг қатъий бурилишларида, Ленин Маркс билан Энгельсга қўйилган ҳайкални очиш маросимида сўзлаган нутқида айтган ҳақиқатни қаттиқ туриб ҳимоя қилган мамлакатимизни кўрамиз...

Хўш, сўнгра нима бўлди? Владимир Ильич дам олгани кетдими?

Йўқ. Ўша 7 ноябрь куни у Қизил майдонда, Кремль девори ёнида Октябрь революцияси курашчиларга қўйилган ёдгорлик лавҳасини очиш маросимида қатнашди.

Бу воқеа СССР халқ рассоми, мамлакатимизнинг ва бутун дунёнинг атоқли ҳайкалтарош-рассомларидан бири бўлиб етишган деҳқон боласи Сергей Тимофеевич Коненковнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. У бундай деб шаҳодат беради:

«1918 йил 14 апрелда подшолар ва уларнинг малайларига ўрнатилган ҳайкалларни олиб ташлаш ва Россия социалистик революцияси ёдгорлик ҳайкаллари лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида В. И.Ленин имзо чеккан декрет эълон қилинди. Бу декретда монументал пропаганда ҳақидаги машҳур ленинча план — ҳайкаллар, обелисклар яратиш, биноларни революция ғояларини пропаганда қиладиган монументал безаклар, нақшлар, барельефлар билан безаш плани ўз ифодасини топган эди».

Ана шу планни амалга ошириш юзасидан ўша куни Кремль девори ёнида ёдгорлик лавҳаси очилган эди.

Владимир Ильич ёдгорлик лавҳасини лойиҳалаш ва ясаш ишларининг ҳамма жараёнини қизиқиб кўздан кечирди.

С. Т. Коненков томонидан оқ цемент, гипсдан ясалиб, устидан рангли бўёқлар берилган бу лавҳа 49 қисмдан иборат эди. «Ҳар бир қисм, — дейди ўз хотирасида Коненков, — Кремль деворига ўрнатилган тутқичга махсус болт билан бириктирилиши керак эди. Ишнинг охирги кунларида мен фақат Кремль девори ёнида истиқомат қилдим дейишим мумкин. Ниҳоят ҳаммаси тайёр бўлди».

Ниҳоят ҳаммаси тайёр...

Ёдгорлик лавҳасини тантанали очиш маросими бошланади. Сергей Тимофеевич қўлидаги қутичада лента қирқадиган қайчи ва «Москва ишчи-деҳқон депутатлари Совети» деб ёзилиб пардани муҳрлайдиган кичкина ёғоч печать бор эди. Владимир Ильич қутичага, печатга қараб деди:

— Буларни сақлаб қўймоқ керак. Ахир, бизнинг ўз музейларимиз бўлади. Моссоветга топширинг. Буларни сақламоқ керак...

Сўнгра Ленин минбарга ўхшатиб ясалган тахта устига чиқа бошлади. Кимдир унга кўмаклашмоқчи бўлиб, билмасдан елкасидан қаттиқроқ ушлади шекилли, Владимир Ильич унга шивирлаб:

— Барака топкур, секинроқ, елкам ҳали ҳам оғрийди, — деди.

Кейин, хижолат бўлган ўртоққа далда бериш учун, кулиб ҳам қўйган бўлса керак, албатта.

У тахта устига чиқиб қизил лентани қирқди. Сўнгра деди:

— Ўртоқлар! Россиянинг янги замондаги бир қанча ўн йиллик тарихи бизга оғир машаққатлар тортиб келган жуда кўп революционерларни етказиб берди. Минг-минглаб кишилар чоризмга қарши курашда халок бўлдилар. Уларнинг халок бўлиши янги-янги курашчиларни уйғотди, борган сари кўпроқ оммани курашга отлантирди.

Ўтган йил Октябрь кунларида халок бўлган ўртоқларимиз буюк ғалаба бахтига муяссар бўлдилар... Уларнинг шиори биз-нинг шиоримиз бўлсин, ҳамма мамлакатларда қўзғолон кўтарган ишчиларнинг шиори бўлсин. Бу шиор — «ғалаба ёки ўлим» деган шиордир.

...Мана энди, Москва майдонларида, халқ олдида икки марта нутқ сўзлагандан кейин, Владимир Ильич дам олиш куни ҳуқуқидан фойдаланиб, дам олгани борса керак. Тўғри-ми?

Йўқ. Ўша куни Ленин Бутунроссия ваҳқулодда комиссияси ходимларининг митинг-концертида ҳам қатнашди.

Мен бу митинг-концертнинг тафсилотини аниқлай олмадим. Фикримча, Владимир Ильич унда ҳам одатдан ташқари қувноқ ва хушчаҳчаҳ бўлган бўлса керак, лекин у ўз нутқида жиддий нарсалар ҳақида гапирган:

— Ўртоқлар, революциямиз йиллигини табриклаш билан бирга, ваҳқулодда комиссияларнинг оғир ишлари устида тўхталиб ўтмоқчиман... Биз, бир томондан, ижобий ишга ўрганишимиз керак, иккинчи томондан эса буржуазиянинг қаршилигини синдиришимиз керак. Финляндиянинг «демократлигиига қарамасдан, унинг оқ гвардиячилари ишчиларни отишдан уялмадилар. Диктатуранинг жуда оғир ва жуда қийин бўлишига қарамасдан, унинг зарурлиги тўғрисидаги фикр оммаанинг ич-ичида ўрнашиб олди... Биз учун энг муҳими шуки, ЧКлар бевосита пролетариат диктатурасини амалга оширмоқдалар ва бу жиҳатдан уларнинг роли жуда ҳам каттадир. Эксплуататорларни зўрлик билан бостирмасдан, оммани озод қилиш мумкин эмас. ЧКлар худди шундай қилмоқдалар, уларнинг пролетариат олдидаги хизмати ҳам худди шундан иборат...

...Шундай қилиб, бир кун ичида яна уч нутқ. Тағин, дам олиш, байрам кунида...

Владимир Ильич ўзининг дам олиш кунларини кўпинча ана шундай ўтказарди.

1918 йил 7 ноябрь кунининг қолган қисмларини батафсил сўзлаб ўтирмайман. Ниҳоят биз аминмизки, Владимир Ильич ўша куни ҳар ҳолда бир оз зарур вақт ажратиб, эртаги кун плани устида ҳамда «Пролетар революцияси ва ренегат Каутский» асарининг бизга маълум қўлёзмаси устида ишлашга ҳам улгурган.

Мен орадан бир кун ўтгандан кейин 9-ноябрда нималар бўлганини эслатиб ўтмоқчиман.

Бугун бўлган энг муҳим воқеа мен юқорида тасвирлаган 7 ноябрь куни воқеалари билан ҳамда «Пролетар революцияси ва ренегат Каутский» асари устида ишлаш билан яна уйғашиб кетади.

1918 йил 9 ноябрь куни Ленин нималарни бошдан кечирганини модомики ўзи яхшироқ сўзлаб берар экан, мен буни тасвирлашга уринишимнинг ҳеч ҳожати бўлмаса керак.

Юқорида айтиб ўтилган асарнинг охирги сатрларини Ленин худди 10 ноябрда ёзган. Мана у сатрлар:

«9 ноябрдан 10 ноябрга ўтар кечаси дастлаб Кильда ва бошқа шимолий шаҳарларда ҳамда денгиз бўйидаги шаҳарларда ғолибона революция бошланиб, ҳокимиятнинг Ишчи ва солдат депутатлари Советларни қўлига ўтганлиги тўғрисида, сўнгра Берлинда революция бошланиб, у ерда ҳам ҳокимиятнинг Совет қўлига ўтганлиги тўғрисида Германиядан хабар олинди.

Каутский тўғрисидаги ва пролетар революцияси тўғрисидаги брошюрага мен ёзмоқчи бўлган ҳулоса ортиқча бўлиб қолди».

Фикримча, Владимир Ильичнинг бир куни тўғрисидаги қисқина ҳикояни шу билан тамомласа бўлади.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ,
таржимаси.

[Ленинноманинг «Биз ўз янги дунёмизни қурамиз» деган китобидан].

АМУ ХАВФ СОЛМАСИН ДЕБ...

РЕПОРТАЖ

Январь ойининг ўрталари эди. Чоржўйдан ташвишли хабар келди: Эҳтиёт бўлинглар, эрта-индин Хорезмда дарё тошади...

Урганчда область суғориш системалари бошқармасида шошилинч йиғилиш чақирилди. Йирик сув мутахассислари, тажрибакорлар, кекса мироблар йиғилишди. Бошқарма бошлиғи Қаландар Сафоев вазиятни тушунтирди, қандай тадбирлар кўриш борасида маслаҳат сўради.

Ҳамма ўйланиб қолди. Дамбаларни мустаҳкамлаш керак!— Ҳаёлдан кечирарди улар. Лекин қандай қилиб? Қаҳратон қиш забтига олябти. Совуқ ўттиз даражадан ошмоқда. Ер бир метрга яқин яхлаган. Дарёда музнинг қалинлиги ҳам ана шундай.

Бошқарманинг бош инженери Қозоқ Холимбетов дилидагини айтди:

— Дарёга яқин жойларда тупроғи яхламаган шўрҳоқ ерлар, каналларнинг рошлари бор. Шу жойлардан тупроқ ташиб дамбаларни мустаҳкамлаш керак.

Бу фикрга ҳамма қўшилди. Эртасигаёқ область автотрести, колхозларнинг юзлаб автомашиналари, трактор прицеплари, қурилиш-монтаж бошқармаларининг экскаватор, бульдозер, скреперлари дарё қирғоғига йўл олдилар. Шундай қилиб Туямўйин дарасидан Қорақалпоғистон Автоном Республикаси чегарасигача — Қорақалпоқ каналигача бўлган узоқ масофада — 150 километрли дарё қирғоғида катта кураш бошланди. Мавжуд дамбаларни мустаҳкамлашга киришилди. Биз қўйида ана шу курашнинг бир участкасидан— дарёнинг қуйи қисмидаги Оққум кенглигида қилинаётган ишлардан ҳикоя қиламиз:

* * *

Қор учқунлаяпти. Аёз. Изғирин. Гулханлар гуруллайди. Кўчма уйлар кўзга ташланади.

Йўлларда, дамбалар устида қатнаётган машина, тракторлар сонсоқсиз. Анғизларда, рошлар устида экскаваторлар гуруллайди. Тракторлар наъра тортади.

Гулхан атрофида бир тўп одам. Улар ёнига яқинлашдик. Гурр этиб кулгу кўтарилди. Қорамағиздан келган бир йигит гапираётган экан. Қўлларимни оловга тутиб кишиларга назар ташлайман: Совуқдан, изғиндан юзлари қизғиш тусга кирган. Қўллари доғаллашган. Кийим-бошларига қорамой чапланган.

Ҳў, нарироқда экскаватор қаттиқ гуруллади. Бригадир-машинист Михаил Драдтел кабинадан бошини чиқариб қўлини силкитди.

—Келаверинг, йигитлар, экскаватор ишхасалини тузатдик.

Гулхан атрофидагилар нарироқда турган машиналар, прицеплар томон чопишди. Бир зумда тупроқ ортилган оғир самосваллар бирин-кетин дамба томон йўл олди. Экскаватор кафтдай текис ерни қазиб тупроқ ортарди.

Чакмонга ўралиб ўтирган кекса ўчиб бораётган гулхан устига чўпчор ташлади.

— Ота Гурланданмисиз?—сўрадим ундан.

— Гурлан неси, шу ерликман. Ҳўв анави уй меники.

Чол дамбанинг ёнгинасидаги якка уйни кўрсатди. Таажжубга тушдим: Уй ўркач-ўркач муз билан қопланган дарёнинг қирғоқгинасида эди.

— Ота, дарё алғов-далғов пайт да бу уйда яшаш хавфли эмасми?

— Э, неси хавфли, ўғлим! Дарёнинг чиранганн қаёрга борар эди дейсан...

Енимиздаги ўрта ёшлардаги киши гапириб қўйди.

— Жумаёз бобонинг умри дарғачиликда ўтган. Дарёдан тап тортмайди у.

Соҳилни айланамиз. Оққум кенглиги дарёнинг энг хавфли участкаси экан. Бу жойларда ер паст, дарё сатҳи анча баланд. Шу боисдан қирғоқда бир эмас, учтўрт қатордан дамба кўтарилган. Тажрибали, кўпни кўрган сув техники Абдулла ака Қорабоев бу участкада дамбаларни мустаҳкамлаш ишига бош-қош бўлиб юрибди. У билан бир паст суҳбатлашдик.

— Дамбаларни энига ҳам, баландига ҳам кенгайтиряпмиз, — деди у. — Ишлаган жойлади дамбанинг эни беш ярим, олти, баландлиги уч метрга етади. Муз тиқини ҳам, сув тошқин ҳам кор этмайди, энди.

Абдулла ака кеча тунда бўлган воқеани айтиб берди.

— Ярим кечада бир йигит ховлиқиб келди. Қорақалпоғистон каналига сув уриб кетганини айтди. Бу ҳабарни эшитган ҳамоно бир қисм бульдозеру, машиналарни шу ёққа олиб бордик. Дамбанинг тагидан, тупроқ ҳавол жойлдан дарё суви отилиб каналга оқарди. Тонггача тиним бўлмади. Қуёш тик берганида қийим-бошларида, этикларида сув музлаган, хориб-чарчаган Янгибозор қурилиш-монтаж бошқармасининг йигитлари ётоқларига қайтдилар. Офат даф этилган эди.

...Экскаватор ковши гир айланиб келиб эски деворларга зарб билан урилди. Қадимий пахса девор гуриллаб қуларди. Қаттиқ аёз бўлсада, экскаватор бригадири Қурбонбой Оллямовнинг юзларида маржон-маржон тер сизарди. У терни сидириб ташладида, ричагларни тортди. Машиналарга тупроқ ке саклар ортила бошлади.

— Нурим ота деган кишининг уйи эди, — тушунтирди техник Абдулла ака . Икки-уч йил бурун кўчиб кетган. Ер музлаб ётган шу кунларда бу эски уйлар дамбага боп тупроқ бўлади.

Машиналар прицеплар кўп бўлсада улар ортиқча тўхталиб қолмасдилар. Қурбонбой Оллямов тез, аниқ ишлаяпти. Соатга қарайман — ҳар бир минутда тупроқ тўлдирилган машина дамба томон елиб кетяпти. Ана бақайбат МАЗ машинаси навбатга турди. Кабинадан ёшлари қирқларга яқинлашган бир киши тушди. У Гурландаги 68-автобаза шоферн Бозорбой Жуматов экан.

— Ҳар куни дамбага қанча тупроқ ташиляпсиз? — сўрадик бир лаҳзалик имкониятдан фойдаланиб.

— Кеча йигирма икки машина ташигандим, бугун ҳаво яхши, тупроқ ҳам мана мўл. Уттизга етказаман деб турибман. Базамизнинг Маткарим Раҳимбоев деган олдинги шоферидан ўзмоқчиман.

Экскаватор кузовга олтинчи ковшни ағдарди. Бозорбой машинага газ босди.

Трактор прицепларини пилдиратиб бораётган йигитларни бир паста тўхтатдик. Улар Гурланнинг «Коммуна» колхозидан эканлар. Ўтабой Жуматов билан Раҳим Эшматовларнинг бу ерга келганларига ўн кундан ошибди.

...Кўчма арава уйда қилинган ишлар якунланяпти. Прорабларр, бригадирлар бошқарма бошлиғига ҳисоб беряптилар. Янгибозор қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи, тажрибали инженер Муҳаммаджон Исмоилов ўрнидан турди.

— Совуқнинг дами кесилди,— гап бошлади у,— энди ишни икки сменада ташкил этмоқ керак. Бошқарманинг 8 экскаватори, 15 бульдозер, скрейпери, 25 самосвал, 60 прицеп ихтиёримизда. Бугун участкадаги дамбаларга уч минг кубометр тупроқ тўкилибди. Эртага буни бир ярим баравар ошириш мумкин.

Ташқарида шамол гувиллайди. Узоқда экскаватор тросларининг ғижирлаши, машиналарнинг гуриллаши қулоққа чалинади.

Дарёга тикиламан. Бир метрга яқин қалин муз қоплаган уни. Уйқу босгандай кўринади. Мудраётгандай. Ҳа, бугун шундай ҳаво сал илиши билан алғов-далғовга келади, муз-музга урилади. Кишилар ана шунинг учун ҳам эртага Аму хавф солмасин деб қишнинг қаҳратон совуғида дарё бўйларида фидокорлик кўрсатяптилар.

* * *

Куни кеча область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Қаландер Сафоев билан суҳбатлашдик.

— Чоржўйда сув тошқини пайтида дарё оқимини муз ҳарсанглари тусиб шаҳар зонасида табиий сув омбори пайдо бўлган эди, — деди у. Муз тиқини бартараф этилгач Амударёдан секундига 830 ўрнига 2 минг кубометр сув оқа бошлади. Хорезмда 19 январдан бошлаб дарё тошди. Тошсоқа, Қиличбой каналлари зонасида дарёнинг сув сатҳи 1,5 метр кўтарилди. Дамбалар мустаҳкам бўлганлиги туфайлигина сув босишнинг олди олинди. Шу кунларда дамбаларни мустаҳкамлашда 60 экскаватор, 200 бульдозер 150 скрепер, 400 га яқин самосвал автомашинаси, трактор прицеплари, минглаб кишилар ишлаб турибди.

С. НОДИРМАТОВ.

Бугун Амударё бўйларида.

Эркин ВОҲИДОВ.

Лирик шеърлар

СЕВГИ

Севги шундай навбаҳорки,
У тининдин гул қилур.
Тошга жону тил бағишлаб,
Зоғин ҳам булбул қилур.

Севги шундай дард эрурки,
Барча бўлгай мубтало.
Мубталони неки қилса
Телба бу кўнгул қилур.

Севги шундай тангридирки,
Унга тенгдир шоҳ, гадо,
Қулни айлаб шоҳу султон,
Шоҳни бўлса қул қилур.

Севги шундай бир оловки,
Жонга ундан йўқ омон,
Гулханида ўртаб-ўртаб,
Бир кун охир кул қилур.

Севгинингдур ҳукми мутлақ,
Истаса шайдоларин
Чашми гирёнидан уммон,
Оҳидан довул қилур.

Севгига шеър битдинг, Эркин,
Бесабаб эрмасни, ишқ, —
Айлагач кўнглини ишғол,
Шеър-ила машғул қилур.

КЎЗИНГ

Ҳажрдин тор бу кўнгилга,
Шуъла афшондир кўзинг,
Ё магар кўнглим йўқолган
Тор шабистондир кўзинг.

Ҳам қоронғу кечаларр ул
Ҳам ёруғ юлдуз менга,
Кўзларимда кеча-кундуз
Чун намоёндир кўзинг.

Ҳуси аҳли ичра тенгсиз
Сен-ку ҳоқонсан ўзинг,
Сеҳр мулки ичра танҳо
Шоҳу султондир кўзинг.

Турфа бу жодуларингга
Термулиб лолмен бу кун,
Кўзларим ҳайронлигига
Нега ҳайрондир кўзинг?

Ҳислариминнинг елканида
Бир адашган йўлчиман,
Севги тўфонин юборган
Чексиз уммондир кўзинг.

Кўзларинг юлдузми, йўқ,
Юлдуз эрур ҳар учқуни,
Қорачиг қуйган қўёшу
Мовий осмондир кўзинг.

Ер кўзин уммон деб айтдинг,
Унга сув тўнмоқ нечун?
Бас, ани кўрганда, Эркин,
Нега гирёндир кўзинг?

УЙҚУДА ТОПСАНГ...

Уйқуда топсанг нигорнг
Аста гулнорини ўп.
Очмаса чашмин, юмуқ ул
Чашми хумморини ўп.

Сен-ку уйғогида восил
Бўлмагайсан лаълига,
Уйғониб аччиқ сўз айтмай,
Лаъли шаҳдборини ўп.

Рўзгорнг қора қилмай,
Зулфини кўксингга бос,
Кўксингга ботмасдан аввал
Киприги хорини ўп.

Васл уйи мангу эмасдир,
Ишқ дами боқий эмас,
Қаматинг ё бўлмасидан
Қўши зангборини ўп.

Тақдир умрингнинг хатига
Нуқта кўймасдан бурун
Хатти бирлан лабга посбон
Холи рахдорини ўп.

Ернинг уйқуси ғаниматт,
Сен бу тун бедор бўл,
Бир-бир айтмайман, дилингга, —
Хуш надир, борини ўп.

Уйғониб сўнг майли, Эркин,
Дорга осгин ёр сени,
Кўзга сурт сиртмогини-ю,
Тиз чўкиб дорини ўп.

ВИСОЛ СОҒИНЧИ

Ёр васлини соғинсам
Сайр этайму боғ-роғ,
Боғ-роғ сайр этганимдан
Кўнглим ўлмас чоғроғ.

Хушламас қишронда кўнглим
Лолазор сайрини ҳам,
Чунки бағрин лолаларнинг
Бағридан ҳам доғроғ.

Гар соғинчим шарҳин айтсам
Ендирар Фарҳод ўзин,
Ё очай Мажнунга дардим,
Ул-ку мендан соғроғ.

Дардлашурга дўст қани-ю,
Диллашурга ёр қани.
Топганим ул ошнарондир,
Бул эса ўртоғроғ.

Интизорлик дардин, Эркин
Ҳадди йўқ, поёни йўқ,
Ёр озор топмасин деб
Мен қўшарман роғ-роғ.

МУҲАББАТ БОҒИДА

Тун билан йиғлабди булбул
Ғунча ҳажри доғида.
Кўз ёши шабнам бўлиб
Қолмиш унинг япроғида.

Кўз юмар бўлсам кўзим —
Олдида пайдо гул юзим,
Ғунча кўз очмоғи бор
Булбул кўзин юммоғида.

Аста барг остида тинглаб
Етган эрмиш шум сабо
Ғунча булбулдан муҳаббат
Дарсин олган чоғида.

Севги саҳросида қолмиш
Неча Мажнундан ғубор,
Неча Фарҳод гарди етгай
Биступнинг тоғида.

Ғунчадек чеҳранга Эркин
Жон фидо этгай, санам,
Қатра қонидан гул унсин
То муҳаббат боғида.

ЙЎҚ ЭМИШ ОРЗУДА АЙБ...

Сайлаб ишқ бўлган кўнгилга
Қўймангиз беҳуда айб.
Бўлса банди доми сайёд,
Йўқ эрур оҳуда айб.

Бандга тушган бу кўнгилдур
Менга, айтинг, не гунох.
Дил қушига дом қўйган
Ул нигоҳ жодуда айб.

Жоду кўзлар банди ёлғиз —
Сен эмас, тутқун юрак,
Аввал-охир ҳўҳна мерос
Ишқ деган туйғуда айб.

Эй кўнгил, ўз майлинг ила
Бўлдинг ишқ домига банд,
Изламе энди баҳона,
Демагин у-буда айб.

Севги дардидан менинг ҳам
Бўлди рангим қаҳрабо,
Йўқ илож, не наф ўкинмак
Бўлмаса кўзгуда айб?

Сен-ку Зуҳросан фалакда,
Интизорингман фақат,
Не ажаб талписа кўнглим,
Йўқ эмиш орзуда айб.

АХБОРОТ

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ОШДИ

Ўзбекистон районидаги пахтакор «Қўқон» совхозида меҳнат илмий асосда ташкиллаштирилмоқда. Бу совхознинг меҳнатни илмий асосда ташкиллаштириш жамоат кенгаши Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш экономикаси институти ходимларининг ёрдами билан ва бригадаларнинг ташаббусига таяниб, машина-трактор паркини ремонт қилиш, унга техника хизматини яхшилашда шу усулни қўлланиш планини ишлаб чиқди. Ана шу тадбирлар-нинг амалга оширилиши механизаторларнинг меҳнат унумдорлигини анча кўтариш, ремонт ишлари сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш имконини беради.

КЎЧМА КИНОЛЕКТОРИЯ

Термиз шаҳридаги «Октябрь 40 йиллиги» кинотеатрида кўчма кинолекторий очилди. Унинг вазифаси — шаҳар корхоналари ва қурилишларида илмий-оммабоп фильмларни намойиш қилишдир.

Лекторийнинг биринчи машғулотлари 2510-автоколоннада ва Термиз автобус-таксомотор паркида ўтказилди. Бу ерда мамлакатнинг энг яхши автохўжаликлари тажрибаси ҳақида ҳикоя қилувчи лекталар намойиш қилинди.

БОКСЧИЛАР УЧРАШУВИ

Наманганнинг янги спорт залида бокс бўйича республика биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Бу мусобақаларда тўқиз терма команда қатнашди. Тошкентнинг биринчи командаси голиб чиқди. Бу командадан кейин Тошкентнинг иккинчи командаси ва Фарғона боксчилари галаба қозондилар.

ИККИ «МОСКВИЧ» ВА БИР ҚАЙИҚ

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 31- ишчи-ёшлар мактабининг директори Маҳамад Зиёдов 1964 йили Ўзбекистон ССР пул-буюм ютуқлари лотереясининг 6-тиражида 18766 (167) номерли билетига «Москвич-403» маркали автомобиль ютган эди. У 1968 йилги пул-буюм ютуқлари лотереясининг учинчи тиражида 31251 (092) номерли билетга яна «Москвич-412» автомашинаси ютиб олди. Маҳамад ака 09681 (016) номерли спорт олимпиадаси лотереясига эса қайиқ ютди.

Ю. ЗИЁДОВ.

«ТАБАССУМ» МУХЛИСЛАРИ

Яқинда Тошкентдаги «Билим уйи»нинг зали кулги шинавандалари билан тўлди. Улар бу ерга «Табассум» радиожурнали ижрочи ва ижодчилари билан учрашгани келдилар. «Табассум»нинг махсус программасини ижро этишда Ўзбекистон ССР Халқ артистлари Соиб Хўжаев, Амин Турдиев, Рауф Болтаев, республикада хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Ихтиёров, Рихси Иброҳимова, Ойина Фаёзова, артистлардан Муҳаббат Шамаева, Райхон Тўраева, Илёс Маллаев, Клара Жалилова ва қизиқчилардан Одилжон Охунов, Абулқосим Тўйчиев ва бошқалар қатнашдилар. Шунингдек, «Табассум» радиожурналининг муҳаррирлари Тўлан Қўзибоев, Исом Зокиров, Тўлқин Содиқовлар ҳам ҳозир бўлдилар.

Санъаткорлар сатирик миниатюралар, интермедиялар, ҳазил қўшиқ ва юморларни моҳирлик билан ижро этдилар. Уч соат давом этган программа табассум ихлосмандларини мамнун этди. Кеча охирида жамоатчилик вакилларн радиожурнал ижодий коллективини самимий қутлади ва янги муваффақиятлар тилади.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ИСТАК ҚОНДИРИЛДИ

Омонат кассага пул қўювчи кишилар сони тобора кўпаймоқда. Чунки давлат кассаси энг ишончли ва нулай жойдир. Биз пактачилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириб, катта даромад оляпмиз. Унинг эҳтиёждан ортиқ қисмини кассага қўяяпмиз. Лекин Денов шаҳридаги марказий омонат касса ҳали талаби асосида ишлаяпти. Биз ишдалигимизда касса очиқ бўлади, ишдан чиққан пайтда ёпилиб қолади.

Денов шаҳар меҳнаткашларидан олинган шу хат Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармасига юборилиб, қўйилган масалани ижобий ҳал этиш сўралди. Бошқармадан редакцияга йўлланган жавобда бундай дейилади:

Меҳнаткашларнинг редакция орқали олинган хати ўрганиб чиқилди. Унда жуда тўғри масала кўтарилган. Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси ўзининг Сурхондарё областидаги тегишли органларига Денов шаҳридаги марказий омонат кассанинг ишини такомиллаштириш, иш кунини узайтириш ва ходимларга навбатлаб дам олишни уюштириш ҳақида кўрсатма берди. Меҳнаткашларга қулайлик туғдириш мақсадида бошқа омонат кассаларнинг иш вақтини ҳам қайта кўриб чиқишни топширди.

НИКОҲ, ОИЛА ВА ҚОНУН

ИНСОН ВА ҚОНУН

1968 йил 27 июнда СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асослари иттифоқ миқёсида бир хилда ҳал қилиниши лозим бўлган умумий принципиал масалаларни белгилаши билан бирга, барча иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги кодекслари асоси бўлиб хизмат қилади.

Иттифоқдош республикалар, жумладан Ўзбекистон ССР-нинг никоҳ ва оила тўғрисидаги кодекси лойиҳаси Асосларга биноан республика қонунлари билан ҳал қилиниши лозим бўлган ва Асосларда бевосита назарда тутилмаган никоҳ ва оила муносабатларини, республиканинг миллий ва маҳаллий шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳам бошқа республикалар каби ўзининг никоҳ ва оила кодекси лойиҳасини тайёрлаб, кенг жамоатчилик муҳокамасига тавсия этди.

Асосларга мувофиқ, иттифоқдош республикалар қонунлари билан ҳал қилиниши лозим бўлган ва ЎзССР-нинг никоҳ ва оила тўғрисидаги кодекс лойиҳасида назарда тутилган айрим масалалар устида тўхталиб ўтамиз.

Асосларнинг 9-моддасига биноан никоҳ, уни тузишни истаганлар гражданлик ҳолати актларини қайд қилувчи давлат органига ариза берганларидан кейин бир ой муддат ўтгач тузилади. Қонун бундай муҳлатни белгилашда никоҳга кирувчиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини яна бир бор синашларига имкон бериш ва бўлажак оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлашни назарда тутади.

Асосларда айрим ҳолларда иттифоқдош республикаларнинг қонунларида шу муддатнинг қисқартирилиши, ёки узайтирилиши мумкинлиги кўрсатилган. Кодекс лойиҳасида узрли сабабларга кўра никоҳланувчиларнинг ёшлигига мувофиқ, меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар Совети ижроия комитетлари, гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш бюросининг мудири, қишлоқ (овул), посёлкаларда эса меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ (овул) ёки посёлка Советларининг ижроия комитетларининг раислари бу муддатни қисқартириши мумкинлиги тавсия қилинади.

Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила кодекси лойиҳасида никоҳ ёшин эркаклар учун 18, қизлар учун 17 ёш белгиланиб, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, меҳнаткашлар депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советларининг ижроия комитетлари никоҳ ёшини алоҳида ҳолларда, айрим мурожаатларга кўра, бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга камайтиришлари мумкинлиги назарда тутилади.

Белгиланган никоҳ ёшини алоҳида ҳолларда айрим мурожаатларга кўра камайтириш ҳуқуқи амалдаги Ўзбекистон ССР-нинг никоҳ ва оила кодексида Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, меҳнаткашлар депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советларининг ижроия комитетларига берилганлиги сабабли янги кодекс лойиҳасида ҳам никоҳ ёшини алоҳида ҳолларда айрим мурожаатларга кўра камайтириш ҳуқуқи шу органларга берилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Гражданлар ҳолати актларини қайд қилувчи органлар, никоҳланаётган шахсларнинг розилиги билан никоҳнинг тантанали вазиятда қайд қилинишини таъминлайдилар.

Асосларнинг 11-моддасига биноан никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз ҳоҳиши билан эр ёки хотининнинг фамилиясини умумий қилиб танлаб олади ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади.

Республикамиз кодекси лойиҳасида никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз ҳоҳиши билан эр ёки хотининнинг фамилияларини умумий фамилия қилиб танлаши ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолиши ёхуд ўз фамилиясига эри ёки хотининнинг фамилиясини қўшиши ва қўш фамилия билан номланиши мумкинлиги белгиланган.

Асосларга биноан эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериб туришга мажбур. Бундай ёрдам беришдан ооп тортилган тақдирда, моддий ёрдамга муҳтож бўлган меҳнат қобилиятини йўқотган эр ёки хотин таъминот (нафақа) беришга қодир бўлган хотин ёки эридан, шунингдек, хотин ҳомиладорлик даврида ва бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида нафақа беришга қодир эридан суд орқали таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эгадир. Эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи никоҳдан ажралгандан сўнг ҳам сақланади. Эр ёки хотинга бериладиган таъминот маблағнинг миқдори таъминот тўловчининг ва олувчининг моддий ҳамда оилавий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суд томонидан ҳар ой учун қатъий суммада белгиланади.

Суд эр ёки хотинга таъминот учун маблағ ундириш масаласини ҳал қилишда, фақат эр-хотиннинг моддий аҳволинигина эмас, балки қонун бўйича уларга таъминот беришга мажбур бўлган болаларга ва бошқа шахсларнинг борлигини, шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳам ҳисобга олиши кўрсатилган. Айрим ҳолларда эр хотинга ёки хотин эрга таъминот бериб туришдан ёки унинг таъминот бериб туриш мажбуриятини муддат билан чеклаб қўйиши мумкин. Суд эр-хотинни никоҳда қисқа вақт турганлигини, алимент тўлашни талаб қилаётган эр ёки хотининнинг никоҳ давомидаги номуносиб хулқини ҳисобга олиб, ёки ёрдамга муҳтож эр-хотиннинг меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиши, спиртли ичимликлар, наиф қиладиган (наша) моддаларни истеъмол этганлиги, ёки жиноят қилганлиги натижасида юз берганлигини ҳисобга олиб, эр ёки хотинни таъминот беришдан озод қилиши ёки бу мажбуриятни маълум муддат билан чеклаб қўйиши мумкинлиги тавсия этилади.

Ота-оналар ўз болаларига нисбатан баб-баравар ҳуқуқ ва мажбуриятга эгадирлар. Бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар эр-хотин никоҳдан ажралгандан кейин ҳам сақланади. Кодекс лойиҳасига биноан ота-оналар бошқа-бошқа турганларида вояга етмаган болаларининг ота-онасининг қайси бири билан туриши масаласида ота-оналарнинг келишувига қараб белгиланади, келишув бўлмаса, низо суд томонидан ҳал қилинади.

Кодекс лойиҳасида бобо ва бувиларнинг ўз невараларига, невараларнинг бобо ва бувиларига, ака-ука, опа-сингилларнинг вояга етмаган ёки меҳнат қобилиятини йўқотган ака-ука ва опа-сингилларига, ўгай ота ва ўгай онанинг ўгай ўғил ва ўгай қизларига, ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ўгай ота ва ўгай оналарига, болаларни доимий тарбиясига олган шахсларнинг уларга таъминот бериш мажбуриятлари, тарбияда бўлганларнинг ўз тарбиячиларига таъминот бериш мажбуриятлари мукаммал кўрсатилган.

Фақат вояга етмаган болаларни ва уларнинг манфаатларини кўзлаб, фарзандликка олишга йўл қўйилади. Фарзандликка олиш учун боланинг ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилмаган ота-онасининг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олинаётган бола 10 ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олиш учун шу боланинг ўзининг ҳам розилиги талаб қилинади.

Давлат болалар муассасаларининг тарбияси ва таъминотида бўлган болаларни фарзандликка олиш учун уларнинг ота-оналари бўлмаса, ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, ўша муассаса маъмуриятининг розилиги бўлиши лозим деб кўрсатилган.

Фарзандликка олиш қонун билан ҳимоя қилинадиган сир ҳисобланади. Фарзандликка олиш ҳақидаги сирни фарзандликка олган шахснинг ҳоҳишидан ташқари ошкора қилган шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Кодекс лойиҳасида фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари белгиланган. Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда бола билан ота-онасининг ва қариндошларининг ўзаро барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тикланади, шунингдек, фарзандликка олган шахс ва унинг қариндошларига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари тугайди. Ота-оналарининг талабига биноан болага олдинги фамилияси, исми ва отасининг исми берилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила тўғрисидаги кодекс лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши совет қонунларини тайёрлаш ва қабул қилишдаги совет демократиясининг ёрқин ифодасидир.

Кодекс лойиҳасини колхозларда, совхозларда, завод ва фабрикаларда, корхона, ташкилотларда, илмий текшириш институтларида, олимлар ва практик юристлар ўртасида муҳокама қилиш вақтида таклиф ва фикрлар айтилиши кодексни коммунизм қуриш даври талабларига жавоб берадиган қилиб тузишда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ССР никоҳ ва оила кодекс лойиҳасини кенг жамоатчилик муҳокамасидан сўнг қабул қилиниши, республика никоҳ ва оила қонунчилигининг янада ривожланиши, такомиллашишида ва совет оилаларини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди.

М. С. ВАСИҚОВА,
И. Б. ЗОКИРОВ,
юридик фанлар кандидатлари.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КООПЕРАТИВЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Бу ерда Болгария, Чехословакия, Польша, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Руминия ва Совет Иттифоқи марказий кооператив ташкилотларининг вакиллари учрашдилар. Бу учрашувда кооператив ташкилотининг халқаро ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди. Учрашув қатнашчилари халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва ер юзида мустаҳкам тинчлик бўлишини таъминлаш мақсадида барча мамлакатлардаги кооперативлар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга эришмоқ учун бутун куч-ғайратларини сарфлаш зарурлигини яқдиллик билан изҳор қилдилар.

ГДРНИНГ САНАШ-ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Демократик Республикасидаги саناш-ҳисоблаш техникаси корхоналарининг маҳсулоти бу йил 20 халқаро виставка ва ярмаркаларга юборилади. Москвада очиладиган «Автоматлаштириш 69», Парижда очиладиган «Сикоб» виставкаси, шунингдек, саناш-ҳисоблаш машиналарининг Лондонда бўладиган халқаро виставкаси бу виставкаларнинг энг муҳимларидир.

Шу йил 2 мартда Лейпцигда халқаро кўклами ярмарка очилади. Бу ярмаркада Германия Демократик Республикасининг ана шу соҳада эришган муваффақиятлари дастлабки тадбир сифатида намойиш қилинади.

ЖАҲОННИНГ 19 МАМЛАКАТИГА

ВАРШАВА. (ТАСС). Халқ Польшаси кейинги 20 йил ичида денгиз ва океанларда қатнайдиган 669 кемани жаҳондаги 19 мамлакатга экспорт қилди. Шу билан бирга умумий ҳажми 2 миллион 349 минг тонна келадиган 476 кема Совет Иттифоқининг закази билан қурилди.

Халқ Польшасининг кемасозлик ишхоналарида кемаларнинг 55 хилини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозирги вақтда Польша Халқ Республикаси экспорт қилинаётган кемаларнинг умумий ҳажми жиҳатидан жаҳонда еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

ЯНГИ КЎМИР РАЗРЕЗИ

СОФИЯ. (ТАСС). Болгарияда ва чет элларда машҳур бўлиб қолган «Марица-Восток» саноат комплексида янги «Трояново-3» кўмир разрези ишга туширилди. Бу разрез иссиқлик берадиган катта электр станцияларида ишлатиладиган ёқилғи лигнит қазиб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш имконини беради.

«АГРОЛЕТ»НИНГ ҚИЗҒИН ИШ КУНЛАРИ

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия авиаторлари янги қишлоқ хўжалик йилига тайёрланмоқдалар. Ихтисослаштирилган авиация ташкилоти «Агролет» учувчилари ва техникларини ҳақли суратда самовий ғаллакорлар, деб аташади. Улар деярли бутун йил мобайнида кооперативларда ва давлат хўжаликларида агротехника соҳасида катта иш қилмоқдалар. «Агролет»нинг 70 станцияси февраль ойининг иккинчи ярмида кузги буғдойни бу йил самолётлардан биринчи марта озиқлантиришга ҳозирданоқ тайёргарлик кўра бошлади. Ўтган йили самолётлар ёрдамида 1 миллион 160 минг гектар экинзор дориланган бўлса, бу йил бундан анча кўп экинзор дориланади.

«Агролет» ўз фаолиятини Чехословакия доирасидан ташқарига чиқиб, Германия Демократик Республикаси, Покистон, Судан, Ҳиндистонда ва бошқа мамлакатларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш соҳасидаги ишларни бажариш тўғрисида чет эл фирмалари билан музокаралар олиб борилмоқда.

СЕНАТОРЛАР БИЛАН КОНГРЕСС АЪЗОЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

ВАШИНГТОН. 10 февраль. (ТАСС). АҚШ сенаторларидан 12 киши ва конгресснинг вакиллар палатаси аъзоларидан 38 киши қўшма баёнот эълон қилдилар. Бу баёнотда улар, жумладан сенатни ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани тезроқ ратификация қилишга ва стратегик қурол-яроғлар ишлаб чиқаришни чеклаш ва бу қурол-яроғларнинг запасларини қисқартириш тўғрисида АҚШ билан Совет Иттифоқи ўртасида музокаралар бошлашга даъват қиладилар.

Баёнотда халқаро кескинликни юмшатишни таъминлаш мақсадида АҚШнинг қуроллашишга қилаётган харажатларй қисқартирилсин, деган чақириқ ҳам бор.

АҚШнинг ҳарбий харажатлари, дейилади баёнотда, мамлакатнинг мудофаа эҳтиёжларидан ташқари ўсиб бормоқда. Конгресс аъзоларининг фикрича, бу нарса АҚШда одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган кучларнинг тўхтатиб қўйилишига сабаб бўлди.

Баёнотга имзо чекканлар орасида сенаторлардан Хэтфилд, Макговерн, конгресс аъзоларидан Морзе ва Кэстенмейерлар бор.

Демократларнинг сенатдаги раҳбари Мэнсфилд ва республикачи сенатор Жавитс (Нью-Йорк штатидан) ҳам Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбири билан суҳбатда АҚШнинг ҳарбий бюджетини қисқартириш лозимлигини айтдилар.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Узбекистонда ҳаво бир оз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Қорақалпоғистон АССР ва Бухорининг шимолий районларида 18-23, жанубда 1-6, қолган жойларда 12-17 даража совуқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кундузи 12-14, кечаси 24-26 даража совуқ бўлади.

Капитализм иллатлари

ХУНТА ЗИНДОНЛАРИДА

РИМ, 10 февраль. (ТАСС). Крит оролида яқинда ташкил этилган Аликарнесос лагерида қамалиб ётган 137 аёл юборган хатда грек сиёсий маҳбуслари оғир шароитда сақланаётганлиги айтилади. Италиядаги ҳафталик «Атролябио» газетасида эълон қилинган шу хатда ҳамда бетоб кишилар бўлиб, совуқ, зах бинода яшаётганликлари сабабли аҳволлари тағин ҳам фожиали бўлиб қолмоқда. Маҳбусларга иссиқ овқат берилмаётир.

Маҳбус аёллар 16 ой Ярос оролида қамалиб турганидан кейин Крит оролига олиб келинди. Уларнинг адвокат олишлари ва ўз ишлари бўйича гувоҳларни чақиришлари тақиқлаб қўйилган. Улар бир йилдан бери қамалиб ётган бўлсалар ҳам аммо ҳали ишлари кўрилгани йўқ, уларнинг сургун муддати яна бир йил узайтирилди. Хатда айтилишича, Крит оролидаги маҳбус аёлларнинг қамоқ муддати қачон тугаши ҳеч кимга маълум эмас, улар ҳақиқатда умрбод маҳбус бўлиб қолмоқдалар.

СТУДЕНТЛАР НАМОЙИШИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Университет маъмурларининг иркчилик сиёсатини рад этаётган Америка студентларининг бирлиги АҚШда олий таълим системасини демократлаштириш учун кураш жараёнида мустаҳкамланиб бормоқда.

Мэдисон (Оклахома штати) университетидаги оқ танли студентлардан бир неча юз киши негр студентларнинг талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан намойиш уюштирди. Негр студентлар иркий камситишга барҳам бериш ва негр йигит-қизларини бу мамлакатдаги олий ўқув юртларига кўпроқ қабул қилишни талаб этмоқдалар.

Университет раҳбарлари ёшлар делегациясининг фикрини эшитишдан бош тортганидан кейин студентлар машғулотларни тўхтатиб маъмуриятнинг биринчи курсга лоақал яна 500 негр ёшларни қабул қилишга, шунингдек ўтган йил ноябрь ойида студентлар намойишида қатнашганлиги учун университетдан ҳайдалган 80 студентни қайтадан қабул қилишга эришиш учун кураш олиб боришга қарор бердилар.

АҚШДА ЖИНОЯТЧИЛИК АВЖ ОЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Федерал Тергов Бюроси расмий статистикасининг маълумотларига қараганда Нью-Йоркда 1968 йилда қилинган жиноятлар сони ундан олдинги йилдагига нисбатан 21,8 процент кўпайган. Нью-Йорк полиция департаменти эълон қилган ўзининг махсус докладида шу маълумотларни айтиб жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги жиҳатидан Нью-Йорк АҚШда фақат тўртинчи ўринни олиб турибди, деб аҳолини ««спатмоқда». Мамлакатнинг барча шаҳарларида қилинган жиноятлар сони шу даврнинг ичида 30 процент ва ҳатто 40 процент кўпайган.

Докладда уқтириб айтилади, Нью-Йоркдаги ёшлар орасида жиноят қилувчилар айниқса кўпайиб кетмоқда. Чунончи, шаҳарда 1968 йилда одам ўлдиришда айбланиб, қамоққа олинган кишиларнинг умумий сони 28,5 процент кўпайган бўлса, худди шундай айб билан қамоққа олинган ва ёши 16 га етмаган ўспиринлар сони бир йил ичида 35 процент кўпайган.

ЯНГИ НАЦИСТЛАР ҲАДЛАРИДАН ОШМОҚДАЛАР

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. 10 февраль. ТАСС мухбири К. Савин хабар беради: бу ердаги янги нацистлар партияси — национал-демократик партия Ғарбий Берлин сенатининг йўл қўйиб беришидан фойдаланиб, ҳар қандай йўллар билан ўз фаолиятини кучайтирмоқда. Маҳаллий национал-демократик партия шаҳардаги ўз тарафдорларини пропаганда мақсадида сўзлайдиган нутқлари ва ўз йиғиналарини ўтказиш билангина чекланиб қолиш ниятида эмас. Германия Федератив Республикаси ва Ғарбий Берлиндаги янги нацист партияларнинг бошлиқлари янги нацистларнинг Ғарбий Берлин сенати аппаратига ва ҳар хил бўлимларига суқилиб киришини кўзда тутган режаларни тузиш ниятида эканлиги маълум бўлиб қолди. Шу муносабат билан Ғарбий Берлин национал-демократик партиясининг район бюролари конкрет тадбирларни ишлаб чиқдилар. Бу партия ана шу тадбирлар ёрдами билан сенат аппаратида, район ратушаларида, юстиция ва полиция органларида «кенг мавқелар»ни эгаллаш, касаба союзларига, корхоналарнинг ишлаб чиқариш кенгашларига ва студентлар ташкилотларига ўз таъсирини кучайтириш ниятидадир.

Ғарбий Берлин национал-демократик партияси правлениесининг раиси Кендзиа баёнот эълон қилди. У ўз баёнотида национал-демократик партия аъзоларининг яқинда ўтказиладиган умумий йиғилишида партиянинг шаҳарда бундан бўён олиб борадиган ишларининг шу хилдаги плани қабул қилинади, деб яна бир марта таъкидлади. Аммо янги нацистлар хатарли ниятларини ҳозирданоқ амалга оширишга киришмоқдалар. Янги фашистларнинг Ғарбий Берлин полициясининг сафларига кириб бораётганликлари каби фактлар маълум бўлиб қолди. Ғарбий Берлин полициясида «национал-демократик партия ячейкалари» тузилган. Янги нацистларнинг мунтазам полиция бўлинмаларидаги бундай ҳаракатлари ички ишлар билан шуғулланувчи маҳаллий сенатор Нойбауэрга маълум. Ғарбий Берлиннинг «тартиб ўрнатувчилари» шу кишининг ихтиёрида. Аммо у ҳеч қандай чора кўрмаётир.

Ирок. Сершовкин Багдоднинг гавжум кўчалари қарама-қаршиликларга тўла. Бу ерда замонавий юк машиналари ва енгил автомашиналар билан ғимирлаётган турли туман қорамолларни ҳам ҳар куни кўриш мумкин.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

Исроил ўзининг араб ҳалқларига қарши олиб бораётган игвогарлик урушида Қўшма Штатлардан қурол-яроғ олиб турибди.

Унинг араб халқларига нисбатан тутган мавқеи...

Н. Леушин чизган сурат.

АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ ОЗОДЛИК КОМИТЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ДОРУССАЛОМ. 10 февраль. (ТАСС). Бутун бу ерда Африка Бирлиги Ташкилоти Озодлик Комитетининг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлади. Сессия Африка қитъасидаги мустамлака — иркчилик зулми остида қолиб келаётган мамлакатлардаги озодлик курашини янада кенгайтиришга доир энг зарур проблемаларни қараб чиқади.

Сессия ишида комитетга аъзо бўлган мамлакатлардан ташқари, Либерия, Марокаш ва Мавритания делегациялари кузатувчилар тариқасида қатнашадилар.

ФУТБОЛЧИ... СОТИБ ОЛИНДИ

Янги рекорд қўйилди, лекин бу рекордни спортчилар эмас, балки... спорт савдогарлари қўйдилар. Англиянинг «Тоттенхэм Хотспурс» футбол клуби 22 яшар сол қанот ҳужумчиси Рожер Моргани «Куинс Парк Рейнжерс» клубидан 110 минг фунт стерлингга сотиб олди. Шу вақтга қадар ана шу клубнинг ўзи Англия терма командасининг ўйинчиси Жимми Гривс учун энг катта нарх билан ҳақ тўлаган эди.

Аслида клуб администратори Николсон «Куинс Парк Рейнжерс» клубидан бирданига икки ўйинчини: ҳасан-ҳусан Рожер билан Янги 180 минг фунт стерлингга сотиб олмоқчи эди. Лекин бу баҳо «Рейнжерс» ҳужайинларига маъқул тушмади ва шу сабабли Николсон уларнинг атиги биттасини сотиб олиш билан қаноатланишга мажбур бўлди.

Умуман олганда, Рожерга қўйилган нархнинг миқдоридан қатъий назар, бу олди-сотди ҳеч кимни ажаблантиргани йўқ. Чунки Англия профессионал футболида ўйинчиларни олиш-сотиш оддий бир нарса бўлиб қолган. «Тоттенхэм Хотспурс» клуби бундай ишлар билан айниқса шуҳрат қозонган. Кейинги бир неча йилнинг ўзида бу клуб футболчиларни сотиб олишга сал кам 800 минг фунт стерлинг пул харжлади.

В. НИКИТИН.
ЛОНДОН.
(ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

БАЛИҚДАН... СУТ

Қуш сути деганни эшитган эдик. Лекин балиқдан сут... буни биринчи марта эшитяпмиз. Лекин чиндан ҳам балиқ сути бор. Унн Чилидаги балиқчилик биохимия институтининг ходимлари тайёрлашган. Тинч океани қирғоғидаги бу мамлакатда балиқ жуда кўп. Лекин бу ерда сут етишмаслиги натижасида ҳар йили 300 мингга яқин бузоқ нобуд бўлиб кетади. Сигирларнинг эса сути жуда оз. Олимлар балиқ маҳсулотларидан чорвачилик учун зарур емлар тайёрлаш мумкин эмасмикин, деган умидда тажриба ўтказдилар. Балиқ сути чорва моллари учун энг яхши озуқа бўлиб чиқди. Қуритилган балиқ унга айлантириладн, бу ундан эса «балиқ сути» тайёрлашади. Бу сут ёш бузоқларга берилади. Ҳозир олимлар бу хилдаги «сут» билан одамларни ҳам таъминлаш устида ишламоқдалар.

ЖАЗ КУЙИ ЗАРАРЛИМИ!

Теннесе (АҚШ) университетининг профессорлари лекция пайтида кўп студентлар ҳеч нарса эшитмай ўтирганларини пайқадилар. Нима гап ўзи! Студентлар кар бўлиб қолишганми!

Текширишда бу студентлар кафе ва ошхоналарда, пластинкалар қўйиладиган жойларда 5-6 соат жаз музикаларини тинглаганлари маълум бўлди. Бу музика юришга чиндан ҳам ёмон таъсир этиб, кар қилиб қўйиши мумкинлигини синаш учун кичик бир ҳонага денгиз чўчқаси қўйилди. У ҳонада 88 соат давомида жаз куйи қисқа-қисқа танаффус билан чалиниб турилди. Натижада денгиз чўчқаси бутунлай кар бўлиб қолди.

ТЎНГИЗДАН ҲИМОЯ

Франциядаги Кантал департаментига қарашли эгизорларга ҳар тунда тўнгизлар кириб, экинларни пайхон қила бошлади. Шу ерлиқ деҳқонлардан бири тўнгизлардан қутилишнинг янги «усулини топди. У пайкалларнинг четларига транзистор-радиоприёмникларни қўйди. Шундан сўнг бирорта ҳам тўнгиз экинзорга яқинлашмайдиган бўлиб қолди. Эгизлар пайхон бўлмай, ҳосил сақлаб қолинди.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

● АНГЛИЯ

ЛОНДОНдаги доклар маъмурияти 3 минг докерни икки кун мобайнида ишдан маҳрум этди. Бу докерлар яқинда ўтказилган бир кунлик «ғайрирасмий» забастовкада қатнашган эдилар. Корхона эгалари забастовка яна такрорланадиган бўлса, унинг ҳамма қатнашчилари ишдан бўшатилади, деб докерларни огоҳлантирдилар.

Корхона эгаларининг игвогарлик мақсадида қилган амал шу ҳуружи Лондон портларидаги ишчиларни ғазаблантирди. Матбуотнинг хабар беришича, порт ишчилари умумий забастовка эълон қилишга шай бўлиб турибдилар.

● ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Бордодаги бир қанча саноат корхоналарининг ишчилари мамлакатдаги энг йирик касаба союз бирлашмаларининг чақиригига мувофиқ иш ташладилар. Забастовка, жумладан, Франциянинг энг йирик «Дассо» авиация компаниясидан бирининг корхонасида ҳам бўлди. Иш ташлаган ишчилар митинг уюштирдилар. Улар бу митингда ишчиларнинг яқинда ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдирдилар.

Эльзасдаги шаҳтёр ва ишчилардан 4.500 кишининг забастовкаси давом этмоқда. Улар меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

● ВЕНЕСУЭЛА

КАРАКАС. Венесуэладаги соғлиқни сақлаш системаси ходимлари порт ишчилари, маориф системаси ходимлари федерацияси, шунингдек, биноқорлар ҳамда касалхона ходимлари касаба союзлари иш ҳақини ошириш ва иш билан таъминлаш тўғрисидаги талабларини, шунингдек, янги коллектив шартнома лойиҳаларини 150 минг ишчи ва хизматчи номидан меҳнат министрлигига топширдилар. Меҳнатчиларнинг ваниллари маъмурлар бизнинг талабларимизни беш кун ичида қондирмайдиган бўлса, умумий забастовка ўтказамиз, дедилар.

Шу вақт Венесуэла соғлиқни сақлаш министрлиги системасида ишлаётган ва иш ташлаган врачлар сони 11 минг кишидан ҳам ошиб кетди.

Венесуэла меҳнатчиларининг бирлашган мараказ мамлакатдаги барча меҳнаткашларни «тиричилик қимматлашиб бораётганлиги ва иш ҳақи оширилмаганлиги сабабли бошланган ҳақиқий кураш»да ғалабага эришиш» учун биргалашиб ҳаракат қилишга чақирди.

● ИСПАНИЯ

РЕЙКЬЯВИК. Исландия парламенти биноси олдидаги майдонда меҳнатчиларнинг митинги бўлди. Бу митингни касаба союзлари уюштирди. Парламент мажлиси вақтида уюштирилган бу митинг: «ишсизликка ва халқ турмуш даражасининг пасайтириб юборилишига қарши кураш!» деган шиор остида ўтди.

Меҳнатчиларнинг митингда сўзга чиққан ваниллари ҳукуматнинг сиёсатини танқид қилдилар. Ҳукуматнинг сиёсати ишсизликнинг мамлакат тарихида мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетишига ва халқ турмуш даражасининг кескин суратда пасайишига сабаб бўлди. (ТАСС).

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25— Қўшиқлар. 9.30— Чангчи Ф. Шукурова чалади. 9.50 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш (тожикча). 10.10 —Арман куйларидан концерт. 11.15— «Ленининг кооперативлаштириш плани». 11.30—«Кекса ижрочилар» (суҳбатли концерт).13.30—Эстрада концерти (русча). 15.15—«Узбекистон композиторларининг ижодий портрети». Т. Содиқов. 16.10—Жахон халқларининг куйлари. 16.50—«Правда» газетасининг обзори. 18.00—«Халқ контроли — амалда» (русча). 19.20—Қозоқ куйларидан концерт. 20.00—«Узбекистон ишчиси» (радиожурнал). 20.30 — Концерт. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10— Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.20—Рақс куйлари. 22.40—Поэзия кечаси. 23.15—Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси. 18.00—Телеянгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10 — Бахтимиз учун курашганлар. 18.40 — Ленинча меҳнат вахтасида. 19.00 — Эстрада концерти. 19.40 — Телеянгиликлар. 19.55 — Кўрсатишлар программаси.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Сеҳрланган бола (мультфильм). 18.45 — Музикали саёҳат. 19.25 — Н. В. Гоголь — Тойбанинг кундаликлари (телевизион бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.15 — Иваннинг ёшлиги (бадиий фильм). 21.50 — Баҳор тараддуди. 22.00—Концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00 — Салом, завод (ҳужжатли фильм). 20.10 — А. Кривченя куйлайди. 21.10 — Дастлабки қувончлар (бадиий фильмнинг биринчи серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 13/II да Лайли ва Мажнун.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/II да Аймонларим.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/II да Гавҳари шам-ироқ, 13/II да Мавлоно Муқимий.

КИНО

Ака-ука Карамазовлар (1-2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 минутда).

Мария ва Наполеон — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАНКА», «УЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Қатъий сир тутилган премьералар — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун).

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА 1, 2 мартда УЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 1969 ЙИЛ 1-ЧИҚАРИЛИШИНИНГ

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ

Тиражда лотереянинг бош разрядига 478750 сўмлик пул ва буюм ютуқлари бор, шунингдек, «Волга», «Москвич-412», «Запорожец-968» автомашиналари, мотоциклар, телевизорлар, гиламлар ва бошқа буюмлар, ҳамда 1000, 500, 300, 200, 100, 50, 25, 10 сўмлик пул ютуқлари ўйналади.

Узбекистон ССР прокуратурасининг коллективи Тошкент шаҳар прокурори Ғози Бухоровга онаси

Ҳамра ШОҲОЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Ёзувчилар Союзи ва СССР Адабиёт фондининг Узбекистон бўлими раиси Пўлат Мўминга акаси

Султонхўжа МУМИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўқитувчилар газетаси» ва «Совет мактаби» журналининг бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари «Ўқитувчилар газетаси»нинг редактори Шаҳоб Мақсудовга отаси

Мақсуд СИДДИҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34453. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469. Марксизм-ленинизм қазарлисини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38670, В33553. Илюстрация — В34324. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 46—85. Бухоро 31—41. Қарши 22—82. Нукус 42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—86. Урганч 34—55.

№ В. — 36. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02444.